

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-162  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёrlаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: т.ф.н., доц. Д.Мирджалилова, т.ф.н., доц. А. Хотамов, т.ф.н., доц. А. Мятякубов и.ф.н., доц. А.Н.Кравченко – Ўзбекистон Республикаси баҳоловчилар жамияти аъзоси, «VALKON МЕНЕЙМЕНТ» МСНJ директори

**Тақризчилар:** Хорижий эксперт: Иордан Енц Дрезден Техника Университети (Германия), катта илмий ходим

Ўқув дастури Тошкент архитектура-қурилиши институти Кенгашининг қарори билан  
тасдиққа тавсия қилинган (2020 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5577-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли

билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамили технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлари**

- 3.1. Кўчмас мулк бозори ва унда баҳолаш фаолиятининг ривожланиши тенденциялари.
- 3.2. Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш.
- 3.3 Қурилишда баҳони шакллантириш.
- 3.4. Смета ҳисобида дастурий воситаларнинг қўлланилиши

### **IV. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
  - мутахассислик фанларини ўқитиши жараённига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
  - мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараённига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- кўчмас мулк бозори ва унинг турларини;
- кўчмас мулк бозорини ривожлантиришнинг замонавий назариясини;
- кўчмас мулк бозори ривожланиш тенденциялари жараёнларининг шакл ва қонуниятлари;
- кўчмас мулк бозорининг ривожланишининг хорижий тажрибалари;
- кўчмас мулк бозорини ривожлантиришга оид қабул қилинган қарорларнинг моҳиятларини;
- риэлторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва замонавий йўналишларини;
- кўчмас мулк бозорини ривожлантиришнинг сўнги йўналишлари ва ютуқларини;
- кўчмас мулк бозорининг ривожланиш жараёнларида экспертиза ва бошқарувини;

- кўчмас мулк бозорини ривожланиш кўрсаткичларини экспертиза қилиш ва бошқарув қарорлари қабул қилиш бўйича амалий таклифлар беришни ***билиши*** керак.

- **Тингловчи:**

- кўчмас мулкни баҳолаш жараёни, босқичлари ва процедураси. Баҳолаш бўйича топшириқни аниқлаш, баҳолаш мақсади, баҳо стандартини танлаш, баҳолаш обьекти идентификацияси жараёнида комьютер дастурларини қўллаш;

- жисмоний эскиришни аниқлаш усуллари. Норматив усуллар таҳлили. Эксперт усулларини таҳлил қилиш;

- бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш;

- бино ва иншоотларнинг тикланиш қийматларини йириклиштирилган кўрсаткичларда баҳолаш;

- бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлаш. Кузатув-

- Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқаришга тегишли меъёрий хужжатлар соҳасидаги ўзгаришларни амалиётга тадбик эта олиш ***кўниқмаларига*** эга бўлиши лозим.

- **Тингловчи:**

- амалдаги қонуний-меъёрий хужжатлардан фойдаланган ҳолда кўчмас мулк обьектларини техник-иқтисодий экспертиза қилиш, баҳолаш ва бошқарув харажатларини асослашга оид талабларни белгилаш;

- қурилишда рухсат этилган четлашишлар. Бино ва иншоотларда инвентаризация ва паспортизация ишларини ўтказиш;

- кўчмас мулк обьектларида турли яхшиланишларни амалга ошириш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- баҳони шакллантириш ва унинг ўзига хос хусусиятларни жорий қилиш;

- ҚБЙК ишлаб чиқиш учун истеъмол хусусиятларини инобатта олган ҳолда қурилиш маҳсулотининг аналог обьектини танлаш;

- Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг кўчмас мулк бозорига таъсирини қўллай олиш;

- кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

- **Тингловчи:**

- амалдаги ва янги жорий интилаётган қонуний-меъёрий хужжатлар асосида кўчмас мулк обьектларини баҳолаш ва баҳолаш хисоботларини тайёрлаш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш;

- бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш;
- бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш;
- масофадан туриб фойдаланиш имконини ўзлаштиришда маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, лойиҳа-смета тузувчи электрон дастурлар, виртуал материаллардан, лойиҳа ва смета хужжатларидан фойдаланиш;
- кўчмас мулк бозорини ривожланишидаги устувор йўналишларнинг белгилаш бўйича **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“КЎЧМАС МУЛК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВ РЕЖАСИДАГИ МОДУЛЛАР МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талabalарнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-

модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугбий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тијоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тијоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тијоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуслари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиилар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиилар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиилар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиилар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологииларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

## **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулокот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий хордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

#### **3.1. Кўчмас мулк бозори ва унда баҳолаш фаолиятининг ривожланиш тенденциялари.**

Кўчмас мулк бозорининг назарий масалалари. Келиб чиқишига кўра кўчмас мулк объектларининг турлари. Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими. Кўчмас мулк объектларининг белгилари. Кўчмас мулк объектларининг ҳаётй цикли. Кўчмас мулк объектларининг йириклиштирилган таснифланиши. Кўчмас мулкни бозори хусусиятлари. Кўчмас мулк бозорининг қонуний меъёрий асослари. Ўзбекистон шароитида кўчмас бозори фаолиятининг иқтисодий механизми ва хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти. Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти ривожланишининг тамойиллари. Кўчмас мулк объектлари қиймати турлари ва уларнинг нархига таъсир қилувчи омиллар. Кўчмас мулк объектларини баҳолаш тамойиллари. Баҳолаш босқичлари. Харажатли ёндашув усувлари. Қиёсий ёндашув. Даромадли ёндашув. Баҳолаш бўйича топшириқни аниқлаш, баҳолаш мақсади, баҳо стандартини танлаш, баҳолаш обьекти идентификацияси жараёнида компьютер дастурларини қўллаш.

Кўчмас мулк бозори фаолияти жараёнлари ва республикамиздаги ўзига хос хусусиятлари. Кўчмас мулк бозорининг профессионал иштирокчилари. Кўчмас мулк объектлари ривожланиши. Риэлторлик фаолияти. Кўчмас мулк бозорида сугурталаш. Кўчмас мулк бозорида сервейинг хизматларининг аҳамияти ва зарурати.

Кўчмас мулк бозорининг назарий масалалари. Келиб чиқишига кўра кўчмас мулк объектларининг турлари. Кўчмас мулк объектларининг таснифланиш тизими. Кўчмас мулк объектларининг белгилари. Кўчмас мулк объектларининг ҳаётй цикли. Кўчмас мулк объектларининг йириклиштирилган таснифланиши. Кўчмас мулкни бозори хусусиятлари. Кўчмас мулк бозорининг қонуний меъёрий асослари. Ўзбекистон шароитида кўчмас бозори фаолиятининг иқтисодий механизми ва хуқуқий асослари.

#### **3.2. Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш.**

Кўчмас мулкни баҳолашда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлашнинг аҳамияти. Объектларни эксплуатацияга қабул қилиш тартиблари. Дефект тушунчаси. Курилишда рухсат этилган четлашишлар. Электрон паспорт. Эксплуатация мобайнида электрон паспортни юритиш. Техник инвентаризация масалалари. Табиий ва техноген омиллар. Бино ва иншоотларнинг барвақт эскиришига таъсир қилувчи ҳудудий омиллар. Субъектив омиллар – лойиҳа, завод шароитида конструкцияларни тайёрлаш, қурилиш, эксплуатация сифатининг аҳамияти. Эксплуатациявий (жисмоний ва маънавий) эскириш. Жисмоний эскиришнинг келиб чиқиши бўйича

турлари. Қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган жисмоний эскириш. Эскиришни ҳисоблашда норматив ва эксперт усулларидан қулланилиши.

Тайёргарлик босиқичи. Визуал текшириш. Синчиклаб текшириш. Синчиклаб текширишда техник диагностика усул ва воситаларидан фойдаланиш. Бузувчи ва бузмайдиган усуллар.

Республикамизда мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари. Эксплуатациядаги бино ва иншоотларнинг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатлари. Капиталлик синфлари, қолдиқ хизмат муддатларини ҳисоблаш.

Жисмоний эскиришни ҳисоблаш усуллари. Норматив усул. Эксперт усули. Маънавий эскиришнинг турлари. Қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган маънавий эскириш. Уларни ҳисоблаш усуллари.

Тураг-жой ва жамоат биноларини эскиришини аниқлаш масалалари. Саноат объектларини эскиришини аниқлаш масалалари. Жисмоний эскиришини аниқлашда техник ҳолат категориялари.

Бино ва иншоотларда қузатув-текширув ишлари кетма-кетлиги. Техник диагностикада қулланиладиган замонавий асбоб-ускуналар.

### **3.3. Қурилишда баҳони шакллантириш.**

Баҳонинг шаклланиши, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Баҳо шаклланиш жараёни. Қурилишда нархларни шакллантириш усуллари. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари. Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш зарурияти. Индекс методи. Ресурс методи.

Қурилиш баҳосини йириклиштирилган кўрсаткичлари ҳақида умумий маълумот. QBVK ишлаб чиқиш учун истеъмол хусусиятларини инобатга олган ҳолда қурилиш маҳсулотининг аналог объектини танлаш.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК). Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК). Строительные нормы и правила (СНиП). Қурилиш ишларига смета ресурс нормалари. Таъмирлаш - қурилиш ишларига смета ресурс нормалари. Жамоат бинолари ва маъмурий бинолар асбоб ускуналари ва инвентари харажатларининг смета ресурс нормалари. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш смета ресурс нормалари. Ишга тушириш-созлаш ишлари учун смета ресурс нормалари.

### **3.4. Смета ҳисобида дастурий воситаларнинг қўлланилиши**

Автоматлаштиришнинг мақсади ва воиталари. Айрим смета дастурлари ишлаш қоидалари. TN Қурилиш дастури мажмуаси ҳақида умумий маълумот. TN Қурилиш дастури мажмуасининг техник таъминоти ва ишлаш қоидалари. ABC 4 UZ дастури мажмуаси ҳақида умумий маълумот. ABC4 UZ

дастури мажмуаси техник таъминоти ва ишлаш қоидалари. QurQiymatAsos дастури қурилиш материаллари жорий нархлари баъзаси информацион таъминоти.

Локал ресурс смета хужжатлари, объект ресурс хужжатлари, қурилишнинг умумий ресурс сметалари, локал ресурс қайдномаси, бино элементи, асосий ишлаб чиқаришдаги ишчи ва механизаторларнинг харажатлари, қурилиш машиналари ва механизимларидан фойдаланиш харажатлари, ускуналар, мебеллар, инвентарларни сотиб олиш харажати

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва униг асосий вазифалари. Баҳонинг шаклланиши, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Баҳо шаклланиш жараёни. Қурилишда нархларни шакллантириш усуллари. Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва униг хусусиятлари. Қурилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш зарурияти. Индекс усули. Ресурс усули.

Айрим смета дастурлари ишлаш қоидалари. TN Қурилиш дастури мажмуаси ҳақида умумий маълумот. TN Қурилиш дастури мажмуасининг техник таъминоти ва ишлаш қоидалари. ABC 4 UЗ дастури мажмуаси ҳақида умумий маълумот. ABC4 UЗ дастури мажмуаси техник таъминоти ва ишлаш қоидалари. QurQiymatAsos дастури қурилиш материаллари жорий нархлари баъзаси информацион таъминоти.

#### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза

билин қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очиқ дарс ўтказади. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллый мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Курилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5392-сонли фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Курилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5577-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 майдаги “Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 451-сон қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4464-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

23. А.С.Турдиев, Д.Ш.Мирджалилова, Н.У.Юсупджанова, Г.А.Файзиева. “Кўчмас мулкни бошқариш, девелопмент ва риэлторлик” Дарслик. Тошкент.2019.

24. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

25. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
26. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
27. В.У.Ёдгоров, Д.Ш.Мирджалилова “Кўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш”. Дарслик. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 2015 йил.
28. Ганиева Г.И., Ганиев К.Б., Ёдгоров В.У., Мирджалилова Д.Ш., Ганиева Ф.К. “Мулкни баҳолаш”. Дарслик. Тошкент 2016
29. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
30. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ.– Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
31. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.:Дашков и К, 2018. - 304 с.
32. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2016.–2796.
33. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
34. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
35. Кўп хонадонли уй-жой фондларининг техник ҳолатлари бўйича ўтказилган хатлов натижалари, ушбу жараёнда аниқланган камчилик, муаммо ва қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда уларнинг бартараф этиш юзасидан “Уйжойфондинспекцияси” томонидан кўрилган чоралар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси маълумоти. Тошкент, 2019 й, апрель.
36. М.Икрамов, М.Мираҳмедов, В.Ёдгоров, Д.Мирджалилова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. Тошкент.2018.
37. М.Икрамов, М.Мираҳмедов, В.Ёдгоров, Д.Мирджалилова. “Кўчмас мулк иқтисодиёти”. Дарслик. Тошкент.2018.
38. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
39. Мэтякубов А.Д. Методические указания к курсовой работе «Сметное дело в строительстве» для бакалавров по направлению 341100 – «Стоймостный инжиниринг» Т.: ТАСИ 2020 г
40. Сервейинг: организация, экспертиза, управление: практикум в 3

частях. Науч.ред. П. Грабовой. М-во образования и науки Росс.Фед. Моск.гос.строит. ун-т. Москва: Изд-во МГСУ, 2016

41. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
42. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
43. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
44. Frampton, Kenneth. Modern Architecture. A Critical History. London: Thames and Hudson, 2016.
45. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
46. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
47. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
48. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun2017. - 134 pp.
49. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
50. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
51. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.

#### **IV. Интернет сайтылар**

52. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
53. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
54. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
55. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
56. [www.aci.uz](http://www.aci.uz)- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси
  57. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)-электрон журнали
  58. [www.autodesk.com](http://www.autodesk.com)
  59. [www.edu.autodesk.com](http://www.edu.autodesk.com)
  60. [www.pinterest.com](http://www.pinterest.com)
  61. <http://wiley.com>
  62. <http://arhcit.ac.com>



**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент архитектура-қурилиш институти  
Ректор \_\_\_\_\_ Р.Р.Ҳакимов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент архитектура-қурилиш институти  
хузуридаги педагог кадрларини қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази  
Директор \_\_\_\_\_ С.Ю.Маткаримов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Таълим муассасалари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ А.Т.Қўлдашев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ү.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.

М.Ү.